

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2009 йил 13 октябрь, Сешанба, 119 (7580) - сон

1974 йил 1 январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Ўз неъматларини улашайтган саховатли куз хирмонлар, ҳосиллар мавсуми ҳамдир. Аини шу жараёнда у эртанги кунга тамал, янаги ҳосил учун пойдевор қўйиш вақти ҳамдир. Пахтакорларимиз ҳосилни йиғиб олишга қизгин киришилган бир вақтда ғаллакорларимиз кузги дон уруғини қадамоқдалар.



Бугунги кунда юртимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсадида тadbиркорларга кенг имкониятлар яратилган. Ҳар бир тadbиркор божхона тўловларини тўлаган ҳолда юртимизга четдан маҳсулот олиб кириши мумкин. Амо бож тўлашдан қочадиган тadbиркорлар ҳам борки, улар ўз қилмишларидан пушаймон бўлишади.



Ўтган ҳафта дунё яшил майдонларида 2010 йилда ЖАРда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш босқичининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Турнинг марказий ўйини Москвадаги "Лужники" стадионида "D" гуруҳининг етакчилари Германия ва Россия терма жамоалари ўртасида кечди.

Эртага V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси фаолият бошлайди



ЖАҲОН БОЗОРИГА - СИФАТ ТАМОЙИЛИ БИЛАН

"Қашқадарёпахтасаноат" худудий акциядорлик жамиятига қарашли "Жейнов" ОХЖда янги пахта ҳосилидан қайта ишланган 500 тонна сифатли тола Қарши терминали орқали хоризга экспорт қилинди. Дастлабки буюртмачи хитойлик ҳамкорлар бўлишиди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ташкил этилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси хайрли анъанага айланди. Мана, бешинчи бора Тошкент тола бозори марказига айланмоқда. Мазкур тadbирнинг аини шу кунлар пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайтида ўтказилиши ҳам эътиборга моликдир. Ярмаркада кўплаб давлатларнинг юзлаб компаниялари иштирок этиш истагини билдирган.

Жаҳонда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш борасида учинчи ўринни эгаллайдиган республикаимиз бугунги кунда тола сифати билан ҳам мақтанса арзийди. Президентимиз раҳнамолигида пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимининг такомиллаштирилиши экспорт қилинаётган тола сифатини ошириш имконини бермоқда. Жаҳон пахта бозорини Ўзбекистон етакчи мавқега эришиб бораётган.

Жаҳон пахта бозорини толамиз харидорлигини таъминлашга хизмат қилаётган кўплаб омиллар мавжуд. Шулардан энг асосийси бу — заминимизда етиштирилган пахтанинг санатоблигидир. Пахтаимиз ранги, толасининг узунлиги, пишиқлиги ва микронейр курсаткичлари билан халқаро стандартларга тўла жавоб беради.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида соҳага муносабат буткул ўзгарди. "Тонналар" ортидан кувийш эмас, балки сифат, ундан келадиган соф фойда — самара асосий тамойилга айланди. (Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш Дастури тўғрисида"ги қарорига асосан корхонада ишлаб чиқариш қуввати икки барабар ошди. Эндilikда мазкур корхона 70 минг тонна пахта хомашисини қайта ишлаш имкониятига эга. Олдин юз нафар киши меҳнат қилган бўлса, эндilikда улар 300 нафарга ортди. Бош бинода момик ажратиш, тозалаш, тола ажратиш, тойлаш цехлари бир маромда ишлаб турибди.

Муродулла КОМИЛОВ олган сурат. Қашқадарё вилояти



"ХАЛҚОБОД МОМИФИ" ЭКСПОРТ ИМКОНИАТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси пахта тозалаш саноати корхоналари йил сайин янги-янги натижаларга эришмоқдалар.

— Бунинг бош омили — корхоналарда модернизация ва реконструкция юмушларининг сифатли тугалланганлиги, янги технологиялар жорий қилиниши ҳамда меҳнат жамоалари аъзоларига етарли шароитлар яратиш берилганлигидир. — дейди "Қорақалпоқпахтасаноат" худудий бирлашмаси бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Фарход Султонов. — Шу боис мавжуд олти пахта тозалаш корхоналари маҳсулотлари жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларига экспорт қилиниб, барчаси бир, ҳатто иккитаси сифат учун бериладиган дунё микросидаги олтин юлдузларига сазовор бўлишган. Бирлашмаимиз таркибидagi меҳнат жамоалари амалдаги Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида

ҳам хомашини қабул қилиш, қайта ишлаш, маҳсулотни буюртмачиларга вақтида етказиб бериш юмушларини талаб даражасида олиб борапти. Мақсадимиз — деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган салкам 200 минг тонналик "оқ олтин"ни қайта ишлашдан иборат. Бу борада эса "Халқобод момифи" хиссадорлик жамияти пешқадамлик қилаётган.

Бирлашма раҳбари алоҳида тилга олган мазкур корхона "Нукус-Чимбой" магистрал асфальт йўли бўйида тарихий Халқобод шаҳри чеккасида жойлашган. У Оролбўйидаги 5 та — Тахтақўйир, Қораўзақ, Чимбой, Кеғейли ва Нукус туманларидаги жами 864 фермер хўжалиқларига хизмат қилади. 10 та шохобчада шартнома бўйича 30845 тонна пахта қабул қилиб олиниши режалаштирилган.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Қорақалпоғистон Республикаси

ОБУНА - 2010



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ: "Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144 "Hayot" — 145

"ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР"

"Маънавият" нашриёти томонидан "Президентга мактублар" китобининг иккинчи жилди чоп этилди.

Маълумки, бу китобнинг биринчи жилди 2006 йилда нашр қилиниб, унга 1991-2005 йиллар мобайнида мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари томонидан Президент Исрол Каримов номига йўлланган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга Юртбошимиз йўллаган жавобларнинг танлаб олинган энг эътиборли намуналари киритилган эди. Сўнгги йилларда дунёимизда ислохот ва ўзгаришлар жараёни янги босқичга кўтарилди, халқимиз ўзининг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқларда юксак марра ва ютуқларни қўлга киритмоқда. Табиийки, ана шу ютуқларнинг барчаси юртдошларимизнинг фикру зикри, интилиш ва қайфиятининг кузгуси бўлган, давлатимиз раҳбари номига йўлланган кўплаб хатларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Кенг жамоатчиликни ана шундай фикр-мулоҳазалар билан таништириш мақсадида чоп этилган "Президентга мактублар" китобининг иккинчи жилдидан 2005-2009 йиллар давомида

Юртбошимиз номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган. "Маънавият зиёси", "Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак" ҳамда "Дунё эътибори ва эътиромимиз" деб номланган бўлимлардан ташкил топган ўшбу тўплам Ўзбекистон Президентининг юксак масъулияти, серкери фаолияти ҳақида китобхонлар тасаввурини янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, юртдошларимизнинг қудалик ҳаёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан ватандошларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб бориладиган диний ва самимий мулоқотлар тўғрисида янги маълумотлар беришга хизмат қилади. (УзА)

Qishloq hayoti logo and subscription information.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов 12 октябрь кунин Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни, шунингдек, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби кенг қўламадаги халқаро масалаларни қамраб олишини кайд этди. Мамлакатларимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, Афғонистон иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон худуди

орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда. Роберт Блейк самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, АҚШ маъмурияти Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янада ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизқитириган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. (УзА)

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейк раҳбарлигидаги делегация 12 октябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илғизар Собиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани

алоҳида таъкидланди. Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Мамлакатларимиз Афғонистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. АҚШ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгайтирилган палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан ҳам музокара ўтказди. Учрашув чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентларо ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам бўлиб, икки томонлама ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. (УзА)

Шаҳорларимиз, қишлоғу овуллариимиз тобора чирой очиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланиши бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётган.

Сирдарё тумани ҳокимлигига 20 дан зиёд ёш оилалардан уй-жой қуриш учун аризалар келиб тушди. "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясига уй-жой қуриб бериш учун туманининг Собир Раҳимов номидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмасидан 2,1 гектар ер ажратиш берилди. "Ўзэксспомарказ" да бўлиб ўтган кўргазмадан сўнг

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ УЧУН

Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурида белгилашган қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини тўлиқ таъминлаш, қишлоқ ҳаётининг савиясини ва маданий янги поғонага кўтариш каби вазифаларнинг бажарилиши худудларга чинакам ободончилик, тараққиёт, файзу-барока олиб келаётган.

Вилоятнинг Боёвут, Сардоба ва Сирдарё туманларида бу борада дастлабки қадамлар

замонавий уй-жойга эга бўлиш истагини билдирган ёшлар сонини кўпайди. — дейди Сирдарё тумани ҳокими ўринбосари Нодир Сулаймонов. — Биз улар орасидан ҳақиқатан ҳам уй-жойга муҳтож 20 нафар ёш оилани саралаш олдик. Бугунги кунда ана шу ёшларнинг рўйхати "Қишлоқ қурилиш банк"нинг вилоят бўлими ва "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясига топширилди. (Давоми 2-саҳифада)

БАНК КАПИТАЛИ — ИҚТИСОДИЙНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МУҲИМ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛИ

9 октябрда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган "Иқтисодийнинг модернизациялашда банклар ва бошқа молиявий институтлар иштирокини кучайтириш ҳамда рағбатлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Бу тadbир жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга, мамлакатимизда қабул қилинган Инкирозга қарши чоралар дастурининг моҳиятини ҳамда кенг аҳоли қатламлари ва хўжалик юритувчи субъектлар учун аҳамиятини ёритиб бериш ва тушунтиришга бағишланган семинарлар, конференциялар ва давра сўбатлари туркумининг давоми бўлди. (Давоми 2-саҳифада)

ХИВАЛИКЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Кузинг ажайиб хусусияти бор. Бу фаслда деҳқоннинг йил бўйи қилган меҳнати ва омиқорлиги далаларда яққол кўзга ташланади. Деҳқон тили билан айтганда, "галлар сувдан қўтарилади".

Об-ҳавонинг мураккаб келишига қарамастан мўлжалдаги ҳосилни тўлашга эришдик. — дейди биз билан суҳбатда Хива тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Қувондиқ Қурбонов. — 6925 гектар майдонда деҳқонлик қилаётган пахтачилик йўналишидаги 213 фермер 18750 тонна пахта етиштиришга шартнома имзолашган. "Хурсанд", "Дилшод", "Султонхўжа", "Фуркат", "Смид ота Мадаминов" каби фермер хўжалиқларида кунта 6-8 фоиз хомаш ёйиштириб олинган. Холмурод ҚУРБОНОВ Хоразм вилояти

Qishloq hayoti logo and list of agricultural services and companies.

ЖАҲОН БОЗОРИГА — СИФАТ ТАМОЙИЛИ БИЛАН



(Боши 1-саҳифада)
Сифатнинг асосий талаби эса гўза навидан бошланади. Шу боис олимларимиз серхосил, тезпилаш, муҳимга мослашувчан, турли касаллик ва зараркунандагиларга чидамли, энг муҳими толаси сифатли навларни амалиётга татбиқ этмоқдалар.
— Янги яратилган навларимиз асосий мақсади ўзбек пахтасининг шухратини янада охиришидир, — дейди кишлоқ ҳўжалик фанлари доктори Ренат Назаров. — Янги яратилган навларимиз жаҳон талабларига жавоб бериш баробарида устуник жиҳатларини ҳам намойиш этаётди. Олимларимиз кўп йиллик излашлар натижасида тола чиқилиши 28-32 фоиздан 37-40 фоизгача, узунлигини 25-28 мм дан 33-36 мм гача, бир кўсақдаги пахта вазинни 4-5 граммдан 6,5-9 граммгача оширишга эришдилар. Биргина мисол, жорий йилда Ўзбекистон Гўза селекциеси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти ва унинг филиаллари томонидан яратилган иккита (С-6541, Наманган-34), Ўзбекистон Пахтачиллик

илмий-тадқиқот институти иккита (Андижон-36, Хоразм-150), Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институти битта (Чимбой-5018), Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти томонидан эса иккита ("Келажак", "Навбахор") нав амалиётга татбиқ этилди. Уларни етиштириш технологиясининг мукамаллаштирилгани тезпилашлигини, толаси сифатлиги ҳақида йиғим-терим мавсумини тезда якунлаш имкониятини таъминлади. Дунё бозорида толаннинг микронейр кўрсаткичлари алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, энг харидоргир бўлган ўрта толали пахта навлари учун микронейр кўрсаткичининг асосий диапазоли 3,5-4,5 чегарасида бўлиши керак. Ушбу кўрсаткич 4,9 дан юқори ва 3,5 дан паст бўлган ҳолатда толаннинг нархи тушиб кетади. Аммо кейинги пайтда тола бозорида микронейр кўрсаткичи 4,2-4,4 бўлган тола харидоргир бўлмоқда. Ана шу талаблар асосида селекционерларимиз янги гўза навлари яратишда хосилдорлик имкониятлари билан бир қаторда пахта толасининг жаҳон андозалари ҳамда тола бозори талабларига жавоб беришига эътибор қаратишмоқда.
V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида савдолар "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертифицилаш маркази томонидан жорий йил пахта ҳосилидан тайёрланган тола намуналари асосида амалга оширилади. Алоҳида эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида пахта толаси-

ни халқаро стандартларга мувофиқ сертифицилашнинг янги тизими жорий этилди.
— Мустақиллик йиллари даврида тола сифатини баҳолаш тизими тубдан ўзгарди, — дейди "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертифицилаштириш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Эркин Мақсудов. — Марказ пахта толасини миллий классификациялаш тизимини, уни синаш усуллари ривожлантириш ва модернизациялаш ҳамда жаҳон амалиётда қабул қилинган параметрларни аниқлашга ўтиш ишларини босқичма-босқич амалга ошириб борилади. Бугунги кунда марказ халқаро принципларга асосланган HVI базасида пахта толасининг ривожланган классификациялаш тизимига эга. Республиканинг ҳар бир ҳудудида (35 та) HVI тизими билан жиҳозланган "Сифат" ҳудудий лабораториялари мавжуд. Пахта толаси тайма-той синовларига асосланган ҳолда ўзбек пахтасининг районлаштирилган, янги ва истиқбол навлари, пахта тозалаш корхоналари, вилоятлар бўйича батафсил маълумотларни олиш мумкин.
Утган даврда тола сифати ҳақидаги маълумотларни тақ-

қослаш йўли билан пахта навларининг таркибини яхшилаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар синов ишлари бўйича ронейр, ранг кўрсаткичлари бўйича хоссалари асосан жаҳон бозори талабларига мувофиқ келади. Бугунги кунда олий ва яхши навли толаннинг умумий улуши мамлакатимизда етиштирилаётган жама пахтаининг 78 фоизини ташкил этади. Дағал толали пахта навларини экишга йўл қўйилмаётганлиги боис тола сифатининг асосий кўрсаткичи — микронейр муаммоси тўлиқ бартарф этилди. Мамлакатимизда пахта сотишининг замонавий инфратузилмаси — толали омборларда сақлашдан тортиб, ташини таъминлашга бўлган барча хизмат турларига эга йиғирма иккита минтақавий пахта терминали барпо этилди. Пахтани қайта ишлаш тизимини модернизациялаш самараси эса тезда ўзини намойиш этди.
Ушбу нуфузли тадбир қелишув ва битимларга, ҳар томонлама манфаатли шартномаларга бой бўлиши, шубҳасиз. Бизнинг толамиз шухрати жаҳонга кетган. Унинг довриги янада ошади. Эеро, сифат ва рақобатбардошлик учун амалга оширилган кенг қўламдаги ишлар шундан далолат бераётди.



амалга оширилган ишхотлар ўзбек пахта толаси рақобатбардошлигини таъминлаганини таъкидлаш жоиз. Пахта толасининг узунлик, мустаҳкамлик, мик-

роноси ва рақобатбардошлик учун амалга оширилган кенг қўламдаги ишлар шундан далолат бераётди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ

Пойтахтимизда маданият, санъат ва мода соҳасидаги йirik лойиҳа — Art Week Style.uz — 2009 ҳафталиги бошланди

САНЪАТ ВА ГЎЗАЛИК ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда санъатнинг барча йўналишларини рағбатлантириш, бу борада иزلаниётган ёш ижодкорларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг изчил тизими яратилган. Аини пайтда халқ амалий санъати ва миллий ҳўнармандликнинг қадимий анъана ва услубларини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, бойитиш, соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар учун барча шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.
Бу йўналишда эзгу ишлар жамоат ташкилотлари фаолияти ҳам устувор ўрин тутади. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатлари ва бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган маданият, санъат ва мода соҳасидаги мазкур йirik лойиҳа — Art Week Style.uz ана шундай тадбирлардан биридир.
Санъат ҳафталиги ўз услуби ва йўналишига эга бўлиб бораётган умидли ёшларнинг ижоди ва интилишларини тўлиқроқ намойиш этишга қўмаклашиш, юртимиз ва хориқлик мутахассисларнинг маданият, санъат ва модада доир ўзаро фикр ва тажриба алмашишига имкон яратади. Аини пайтда ушбу ижодий анжуман юртимизда санъат, маданият, мода ва дизайн бўйича эришилган муваффақиятлар билан хориқликларни таништириш, бу йўналишда ўзаро истиқболли ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.
Жамғарманинг маданият, санъат ва дизайнга оид ушбу йirik лойиҳаси самарасида юртимизнинг истеъдодли ёш дизайнерлари томонидан яратилган миллий либослар тўпламлари Хитой, Россия, Чехия, Франция каби давлатлардаги халқаро либослар фестиваллари, ижодий кўрик-танловлар, мода ҳафталикларидан катта муваффақият қозонишмоқда.
Бу йилги санъат ҳафталиги ҳар қачонгидан ҳам ёрқин ва ранг-баранг тадбирлар, кўргазмалар, тақдирот маросимлари, ижодий анжуманлар, таниқли дизайнерлар, расомлар, санъатшунослар билан учрашувлар, концертлар, маҳорат сабоқларига бой бўлади. Амалий санъат, мода ва дизайнга оид қизиқари тадбирлар, нодир буюмлар намойиши, таниқли расом ва дизайнерлар ижодига бағишланган кўргазмалар, юртимиз ёш дизайнерларининг ижод намуналаридан иборат "Underground", чет эллик модельерлар, "Дом стиля" модлар уйи томонидан яратилган тўпламлар намойиши, миллий либослар фестивали, маҳорат сабоқлари ўтказилади.
Ҳафталикнинг биринчи кунини Ёшлар ижод саройида амалий санъат, дизайн ва мода кўргазмаси ташкил этилди.
Унда миллий ҳўнармандликнинг қулоччилик йўналишида ном қозongan Алишер Раҳимов, қандакор уста Масъуд Мадалиев томонидан яратилган амалий санъат намуналари билан танишиш мумкин. Кўргазмада, шунингдек, қадимий сўзанақар, миллий матолар, заргарлик буюмлари, ёш дизайнерларнинг қайта тикланган қадимий технологиялар асосида яратган миллий либослар, замонавий кийим-кечак, пайпаздалар, турли аксессуарлар ва безаклар намойиш этилмоқда.
— Мазкур ҳафталик Ўзбекистоннинг маданият, санъат ва мода соҳасида эришилган ютуқлари билан афғонийча танишиш имконини беради, — дейди Хитойнинг Халқаро дўстликка қўмаклашиш ассоциацияси раҳбари ўринбосари Чен Шао Син. — Халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг илдири узоқ оғашларга бориб тақаллади. Қадимий Буюк ипак йўли асосида йўлга қўйилган савдо-сотик, маданият-маърифий алоқалар бунинг далилидир. Санъат ҳафталиги Ўзбекистонда маънавий-маърифий йўналишларда, санъат ва маданият соҳасида эътироф этса арзигулик ютуқлар қўлга киритилибганадан далолатдир.
Шу кунини "Тошкент курантлари" меъморий мажмуасида қадимий буюмлар ва амалий санъат намуналаридан иборат кўргазма очилди. Унда қадимий ва ноб буюмлар, миллий либослар, чинни идишлар, ҳайкалтарошлик намуналари, расомлар ва дизайнерларнинг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.
Назозат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ УЧУН

(Боши 1-саҳифада)
— Кишлоқ ҳаётини мол-ҳўлсиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди тумандаги серфазад оила бошлиқларидан Уктама Санақуллов. — Ҳўнларини лойиҳалаштиришда ёта-қўши ошхона, ҳаммом, барча қўлайликларга эга бўлган ётоқхоналар билан бир қаторда уй ҳайвонлари сақлаш имконияти ҳам яратиб берилаётгани бизга ниҳоятда манзур бўлди. Бу Юртбошимизнинг кишлоқ аҳли, кишлоқ ёшларига кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигининг яна бир амалий ифодасидир.
— Ҳисобимизга Сирдарё туманидан 10-15 миллион, Сардоба ва Бовёв туманларидан 15-20 миллион сўм миқдорда биюртмачилар маблағлари келиб тушиди, — дейди "Кишлоқ қурилиш банк" Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви раиси Илбос Омонов. — Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги Фармониға мувофиқ, қурилиш учун сарфланадиган маблағларнинг қолган қисми банк ҳисобидан қўллаб берилади. Бундан ташқари, кишлоқ ёшлари ўзлари ишлаётган корхона ва ташкилот маблағлари ёрдамиға ҳам таянишлари мумкин.
"Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган кўргазмада 31 лойиҳа тақлиф қилинди. "Кишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси вилоят бўлими раҳбари Алишер Кенжаевнинг таъкидлашича, уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, ёшлар томонидан қўлай, арзон, пишиқ ва кишлоқ муҳитига мос лойиҳалар танаб олиниди. Компания мутахассислари бу лойиҳаларни пухта ўрганиб, ҳудудларнинг шароитига мос ҳолда татбиқ этмоқда.
Президентимизнинг шу йил 29 июнда қабул қилинган "Деворбоп материаллари ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун бир қатор имтиёзлар яратди. "Қишлоқ қурилиш банк" вилоят бўлими шу асосда маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқараётган ички корхона — Гулистон фиш заводи ва "Бовёвтуркувчи" ҳусусий фирмаларига имтиёзли кредит ажратишни мўлжалламоқда. Бу уларға кишлоқ ёшлари учун қўлайлашган уй-ҳўйларға сифатли қурилиш материаллари етказиб бериш имкониятини яратади.
Бугунги кунда вилоятда ёшлар учун қўлайлашган уй-ҳўйларнинг дастлабки пойдеворлари қўйилди. Бу келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг турмуши фаровон бўлишидан нишондир.
Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

«БУХОРОГИПС»ДА ЯНГИ ЙИРИК ЦЕХ

Ўзбекистон ва Германиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида ишга туширилган цех маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда бирдек харидоргир эканлигини мутахассислар мамнуният билан эътироф этишмоқда.
2006 йилдан то шу кунгача "Бухорогипс" билан ҳамкорлик қилиб келаятган Германиянинг жаҳонга машҳур "КНАУФ" компанияси корхонани реконструкция қилиш учун 1,35 миллион евро миқдорда сармоя киритди. Натижда корхонада гипс тоши тайёрлаш ҳажмини 10 баробарга оширишга эришилди. Шу билан бирга қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ҳам фаолият кўрсата бошлади.
Шунингдек, корхона Россия ва Германиянинг етакчи фирма ва компаниялари асбоб-ускуналари билан қайта жиҳозлангач, биноларни пардозлаш ишларида кенг қўлланиладиган 4 турдаги гипсли қурилиш аралашмаси тайёрлаш ўзлаштирилди. Сўнгги бир ярим ой давомида синов таъриқасида 500 тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинди.
— Қурилиш маҳсулотлари бозорини ўрганишга борасида олиб борилган қаутиштилар қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб ниҳоятда катта эканлигини кўрсатди, — дейди "КНАУФ" компаниясининг МДХ давлатларидаги руҳи бош бошқарувчиси Герд Ленга. — Бу ҳол нафақат биргина цех фаолиятида, балки яна бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ҳам қўл келади.
Йирик цех йилига 50 миң тоннадан зиёд маҳсулот етказиб бериш қувватиға эга. Ҳадемай, корхонада иш ўч сменада ташкил этилади. Янги иш ўринлари қўлаяди. Аини пайтда жаҳонда кечяётган молиявий-иктисодий инқирозга қарамай ишончли шерикчилик асосида иш олиб борилаётгани қурилиш материаллари тайёрлаш имкониятлари кенгаётганини кўрсатиб турибди.
Хамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti"
мухбири.
Бухоро вилояти

БАНК КАПИТАЛИ — ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МУҲИМ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛИ

(Боши 1-саҳифада)
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазиар Маҳкаманининг 2009 йил 13 февралдаги мажлисидаги матбузатасида қайд этиб ўтилганидек, инвестиция фаолиятини кенгайтириш борасида банклар зиммасига юқлатилган вазифалар муносабати билан уларнинг ишини тубдан қайта қуриш зарур.
Ўзбекистон Президенти томонидан қўйилган вазифаларға мувофиқ мамлакат тижорат банкларига инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш ҳамда уларни молиялаштиришга амалга ошириш билан шуғулланадиган маҳсуз департаментлар ташкил этилди. Тижорат банкларига берилган имтиёзлар ва солиқ преференциялари ажратилаётган инвестиция кредитлари ҳажмларини ошириш имконини берди. Бу кредитлар 2009 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича 1,5 триллион сўмдан ортиқ бўлди.
Конференцияда банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва реал сектор корхоналарининг мо-

ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ БУГУНГИ ВАЗИФАЛАРИ

уларнинг сифатли ва самарали амалга оширилиши келгуси йил ҳосилиға асосий заминдир
Ўз неъматларини ўлашаётган савоатли куз хирионлар, ҳосиллар мавсуми ҳамдир. Аини шу жараёнда у эртанги кунға тамал, янаги ҳосил учун пойдевор қўйиш вақти ҳамдир. Пахтакорларимиз ҳосилини йиғиб олишға қизгин киришишдан бир вақтда ғаллакорларимиз кузги дон уруғини қадамқдалар. Тажрибали, омилкор фермеру деҳқонлар учун шу ўринда баъзи нарсаларни эслатмоққа жазм этдик. Маълумки, бошқоқли экинлар экишдан олдин навларни танлаш муҳим аҳамиятға эга. Бир далаға узлуксиз 2-3 ва ундан ортиқ йил мобайнида ғалла экиш ҳосилдорлиги гектарига 15-20 центнергача пасайтириб юборади, уруғлик учун экилган далаларда навларни нав тозалиги пасаяди ва сифатсиз уруғлик тайёрланади. Шу сабабли бундай майдонларға уруғлик бугдой экиш мумкин эмас.
Оқиқ майдонларда бошқоқли дон экиш. Бундай ерларни жорий текислаш, бороналаш, молалаш, симёғоч атрофларига ишлов бериш, бегона ўт босган майдонларини тозалаш зарур.
Агар далада сув қўллайдиган нотекис жойлар қоладиган бўлса ниҳол униб чиққандан кейин бу майдонлардаги ниҳоллар сув қўллаш оқибадида касалланиб, нобуд бўлади ва келгусида айнаан шу майдонларда занг ва бошқа касалликнинг ўчоқлари пайдо бўлади.
Гўза қатор орасини экишға тайёрлаш. Бундай майдонларда охириги суғоришдан кейин пешмасе сифатли култивация ўтказиб қўйиш мақсадға мувофиқ. Ерни экишға тайёрлашда эгатлар пушталари тўлиқ бузилиши ва 15-18 см.ли юмшоқ тупроқ қатлами ҳосил қилишға эътибор қаратилиши зарур.
Кузги ўғитлаш: ғалла экиш олдин ерларға фосфорли ва калийли ўғитлар йиллик меъерининг 100 фоизи берилишини таъминлашлари ўта муҳимдир. Агар ўғитларнинг бир қисми ҳайдов остига берилган бўлса, қолгани экишдан олдин берилди.
Кўп йиллик таҳлиллар фосфорли ва калийли ўғитлар билан ўғитланмаган майдонлардаги майсалар гуллаш, суг, мум пишши давриға кирганда фосфор етишмаслиги туфайли бошқоқлар тўлиқ шаклланишдан, доннинг 20-30 фоизи луч бўлиб қолишини кўрсатмоқда. Оқибада 1000 дон донинг оғирлиги 40-42 грамм ўрниға 30-35 граммға тушиб қолиб, ҳосилдорлик ҳар бир гектардан 10-15 центнерға камайиб кетади.
Экиш муддатини белгилашда нав ҳусусияти ва тупроқ-иклим шароитини инобатта олиш зарур. Кечпилаш навларни 15-сентябрдан 15-октябрга, тезпилаш ва ўртанпилаш навларни 25-октябрга экиш яхши самара беради.
Агар шу вақтдан кейин уруғ экилса, униб чиққан майсалар қишлоғва тўла тупланмаган ҳолда қиради. Оқибада, кўчат сийрак бўлиб, ҳосилдорлик 10-15 центнерға камаяди.
Экишда гектарига 4,5-5 млн. донга соғлом кўчат олишни назарда тутиб уруғлик сарфлаш керак.
Суғориш. Ғалла энг мақбул муддатларда экилиб, тезда суғорилмасе, уруғ униб чиқуши пасаяди, натижада еринг табиий намида 20-30 физ уруғлар бўртиб қолади ва кўкармасдан нобуд бўлади. Бу ўз навбатида кўчат сонини камайишиға олиб келади.
Сув танқислиги шароитида даланинг ҳар 50-60 метридан ўқариқ олиб суғориш энг самарали усул ҳисобланади. Бунда дала қанчаллик катта ва узун бўлмасин, намлик барча қисмида бир текисда сақланади, тўлиқ ниҳол олиш имкониятининг беради. Аксинча ўқариқлар олинмасе, дала бошида ер кучли захлаб кетиб, эгат охириға сув тўлиқ етиб бормайди. Оқибада майсалар бир текис униб чиқмай, ҳосилдорлик пасайишиға олиб келади.
Биринчи сувдан кейин 8-10 кун-

Агротехнология

да майса тўлиқ униб чиқмасе, дарҳол тақрорий суғоришни ташкил этиш керак. Бунда даланинг чала суғорилган қисмиға алоҳида эътибор қаратиб, 1 гектар майдонда 2 нафардан кам бўлмаган суғичларни бирикитиш керак.
Ўртача 1м² да 450-500 донга майса бўлганда бугдой экилган далани қоникарили деб баҳо бериш мумкин. Ғалла униб чиққандан кейин 20-22 кун ичида туплаш фазаси бошланади. Агар туплаш фазаси шу муддатдан кечикса, ҳар гектарига 5 тоннадан қириган гўнғ селпиш яхши самара беради.
Бундан ташқари, ерининг умндорлиги паст майдонларда ғалла ниҳоллари тупламасдан сарғайиб қолиши, 1 гектар майдонға соғ ҳолда 30-35 кг. азотли ўғитлар билан қўшимча озиклантириб суғориш мумкин.
Майсанинг қишға тупланган ҳолда кириши совуққа чидамчилигини ошириб, юқори ҳосилдорлиқни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, майса пайҳонгарчилигиға йўл қўймаклик, бунда дала четларини четлар билан ўраш муҳимдир.
Бугунги кунда энг долзарб вазифа — 2010 йил ҳосили учун экиладиган навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, ерни экишға сифатли ўтказиш, экилган майдонларға ўз вақтида суғориш ва экилган уруғлиқни ундириб олиш асосида ҳар бир гектар ер майдонига мақбул кўчат қалинлигини шакллантиришдан иборат. Бу эса келгуси йил ҳосили учун асосий омил ҳисобланади.
Равшанбек СИДДИКОВ,
Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти бош директори, кишлоқ ҳўжалик фанлари доктори.

ЗАМИ АРДОҚЛАГАНГА ХАЗИНАСИНИ ОЧАДИ

Мустақиллик йилларида ерга муносабат тубдан ўзгарди. Ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳар бир деҳқоннинг масъулияти, асосий тамойилига айланди. Буни Бухоро вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармани ходимлари яхши англаб етишган. Бошқарма бошлиғи, тажрибали мутахассис Наим Кенжаевнинг таъкидлашича, ер ўз эгасини топсагина, у тубсиз бойлик эканлиги намойён бўлади. Ер соҳасидаги ислохотлар натижасида яхлит тизим шаклланди. Эндиликда унинг ҳар бир қаричи эътиборда.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра вилоятда 200404 гектар экин ер майдони, 6879 гектар бўз ерлар, 58300 гектар томорқа ерлари, 2660278 гектар яёвлар борлиги қайд этилганди. — Ердан самарали фойдаланиш кун тартибидоғи муҳим масъулият қарамасдан, ундан ҳужасизларча фойдаланиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас, — дейди Бухоро вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси давлат кадастри шўба мудир Бахриддин Холиқов. — 2009 йил галла ҳосили учун шугролаш ишларининг олиб борилиши ўрганилганда айрим контурларда сифатсиз, ҳесабли қилиб ҳайдалган қилиқ аниқланди. Масалан, Қорғулбозор туманида 8,2 гектар, Ғиждувон туманида 12,1 гектар, Бухоро туманида 4,2 гектар, Вобкент туманида 4,2 гектар ер майдони сифатсиз қилиб ҳайдалган.

Жами 61,2 гектар ерда бу тadbир маромига етказиб удаланганлиги маълум бўлди. Юқоридаги масъулият юзасидан туман ҳокимликларига далолатнома тузилиб, тақдиротга киритилди. 2010 йил ҳосили учун вилоятда 65 минг 600 гектар ер майдонига кузги галла экиш режалаштирилган. Шундан 38 минг 498 гектар очик майдонларга, 27 минг 102 гектари гўза қатор ораларига экилади. Ҳозирги кунда барча майдонларда экиш ишлари олиб борилаётган. Агар юқорида тилга олинганидек, ер озгина сифатсиз ҳайдалса, ҳосилнинг сифати, барчасига путур етади. Шу боис, жамоа мониторинг ишларида жиддий эътибор қаратилади. Бухоро вилояти ер тузиш ва кўчас маълум хизмати Давлат унитар корхонасига узоқ йиллардан бери тажрибали мутахассис Тоир Усмонов раҳбарлик қилади. Кор-

хона раҳбарининг таъкидлашича, шу йилнинг ўтган олти ойи давомида топосъёмка ишлари, уй-жойларни инвентаризация қилиш, баҳолаш ишлари, нотурар-жой бино иншоотларни рўйхатга олиш, баҳолаш ва қайта баҳолаш ишлари, фермер ҳўжаликлари учун ер ажратиш ва ҳўжатларни расмийлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Айни пайтда соҳада давлат рўйхатидан ўтказишнинг электрон базаси яратилди. Утган 6 ой давомида вилоят бўйича 2400 та хонадон рўйхатдан ўтказилди, кадастр ҳўжатлари расмийлаштириб берилди. Ўзбекистон Республикаси "Ерғедеккадастр" давлат қўмитасининг бир қатор буйруқ ва йўриқлари тўғрисида бўйича доимий равишда иш олиб бориляпти. Хизматнинг барча туман бўлиmlари етарли миқдорда асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Соҳага ёш, изланувчан ходимлар



жалб қилинди. Уларнинг малакаси тинимсиз равишда ошириб бориляпти. — Тизимга электрон рақамли хаританинг жорий қилиниши ишмизани бирмунча осонлаштирди, — дейди "Узёрдаволий" институти Бухоро филиали директори Эркин Шодиев. — Ҳозирги кунда ҳам Бухоро туманида ҳўжалиқлар ер тузиш ишлари олиб бориляпти ва йил охирига қадар ўз ниҳоясига етказилди. **Улугбек ЖУМАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.**

йўқламадан ўтказиш ишлари муваффақият билан адо этилди. — Тизимга электрон рақамли хаританинг жорий қилиниши ишмизани бирмунча осонлаштирди, — дейди "Узёрдаволий" институти Бухоро филиали директори Эркин Шодиев. — Ҳозирги кунда ҳам Бухоро туманида ҳўжалиқлар ер тузиш ишлари олиб бориляпти ва йил охирига қадар ўз ниҳоясига етказилди. **Улугбек ЖУМАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.**

Божхона хабарлари

ТАХТА ОСТИДА ҚОЛГАН ТОВУҚЛАР

Юртимизда олиб кирилатган озиқ-овқат маҳсулотлари аввало сифатли бўлиши ва қонуний тарзда импорт қилиниши керак. Тегишли руҳсат ва сифат кафолатига эга бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш эса аянқли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Республикамиз божхоначилари сифати кафолатланмаган, тегишли ҳўжатлари бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларининг ички бозорга кириб келишининг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Яқинда жиҳазлик божхоначилар бошқа ҳўққни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирларида аниқ қилинганлигини олдини олишди. Фуқаро О. Қажаров бошқарувидаги "ҚамАЗ" русумли юк автомашинаси кўздан кечирилганда автоулов юқонасида ҳайдовчига тегишли 7 куб тахталар юқлангандек эди гўё. Аммо ушбу маҳсулотлар божхоначилар томонидан синчиклаб текширилганда унинг остида АҚШда ишлаб чиқарилган қиймати 44 миллион сўмлик, вази қарийб 12 тоннани ташкил этувчи сифати кафолатланмаган товўқ соғ гўшлари ҳам яшириб қўйилганлиги маълум бўлди. Аниқланишича ушбу ноқонуний олиб кетилаётган маҳсулотлар республикамиз фуқаролари Э. Хасанов, А. Маматқўлов, В. Нематов, А. Нуриллаев ҳамда И. Хайдаровларга тегишли экан.

«АДАШГАН»НИНГ ҚИЛИШИ

Республикамиз божхоначилари сохта тадбиркорлар учун мўмай даромад манбаси бўлган, тамаки ва спирт маҳсулотлари контрабандасига қарши кураш йўналишида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Яқинда қорақалпоғистонлик божхоначилар қўшни Туркменистон билан чегарадош ҳудудда туңги вақтда ўтказган тадбирлари давомида ушбу ҳудудда "адашиб қолган" республикамиз фуқароси А. Азизовнинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланиб, унга тегишли бўлган юқларни божхона назоратидан ўтказишди. Натижада ушбу шахс қиймати 5 миллион сўмлик жами 5 минг қўти "VICEROY" номли тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда қўшни давлатга олиб чиқишга уринганлиги фош этилди. Шунингдек, тадбир давомида фуқаро А. Азизовнинг фамилиядоши Ш. Азизовнинг ҳам ноқонуний ҳаракатларига чек қўйилди. Аниқланишича ушбу шахс ҳам божхона расмийлаштирувдан ўтказилганини тасдиқловчи ҳўжатлари бўлмаган, нархи 4,5 миллион сўмлик 4500 қўти тамаки маҳсулотларини Туркменистонга олиб чиқмоқчи бўлган экан.

Хоразм вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам тезкор тадбирлари давомида айланма йўллар орқали ҳаракатланаётган фуқаро Р. Давлатмуратов бошқарувидаги «ҚамАЗ» русумли юк автомашинасини божхона назоратидан ўтказишганда ушбу автоуловда муқаддам судланган Қ. Ражабовга тегишли, нархи қарийб 35 миллион сўмлик 11 812 литр этил спирти борлиги аниқланди.

Агарда ушбу сифати кафолатланмаган этил спиртидан қўлбона ароқлар тайёрланиб, ички бозорда ноқонуний равишда сотилганда борми, минг-минглаб фуқароларимизнинг ҳаёти ҳавф остида қолиши мумкин эди. Узининг аввалги ноқонуний қилимларидан тўғри хулоса чиқармаган К. Ражабов жамият учун ҳавфи бўлган қонунбузарлиги учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

ТЕЛЕВИЗОР ТАШМАЧИЛАРИ

Бугунги кунда юртимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсадига тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилган. Ҳар бир тадбиркор божхона тўловларини тўлаган ҳолда юртимизга четдан маҳсулот олиб кириши мумкин. Аммо бож тўлашдан қочадиган тадбиркорлар ҳам борки, улар ўз қилимларидан пушаймон бўлишади.

Андижонлик божхоначилар қўшни давлатдан турли товар-моддий бойликларни ноқонуний равишда олиб ўтишга уриняётган сохта тадбиркорларнинг қилимларига муносив чора кўришмоқда.

Яқинда вилоят божхоначилари "Дамас" русумли автомашинани божхона назоратидан ўтказишганда, унда фуқаро О. Сотволдиевга тегишли, божхона расмийлаштирувни тасдиқловчи ҳўжатлари бўлмаган 10 дон "LG" русумли рангли телевизорлар олиб кетилаётганлиги ва улар республикамизга айланма йўллар орқали олиб кирилганлиги маълум бўлди.

Андижонлик божхоначилар яна бир ҳолатда вилоятнинг Марҳамат туманида яшовчи Қ. Тоштановнинг хонадонини белгиланган тартибда кўздан кечиришганда, ушбу хонадонда ҳам умумий қиймати 2,5 миллион сўмдан ортқичи ташкил этувчи хоржида ишлаб чиқарилган "LG" русумли рангли телевизорлар ва бошқа техника жиҳазлари борлиги ошкор бўлди. Суриштирув давомида аниқланишича, ушбу товарлар қўшни Қирғизистондан республикамизга айланма йўллар орқали озо-микдорда олиб кирилиб, қайта сотиш мақсадига тўплаб қўйилган экан.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

Олов — ёш!

Лоқайдлик қимматга тушади

Оловни жиҳазсиз ёнға қийлашлари бежиз эмас. Чиноз туманидаги "Дўстлик" фермерлар уюшмаси ўраида жойлашган хонадонлардан бирида ўтган қиш мавсумида содир этилган кўнгилсиз воқеа туфайли эндиликда 42 ёшга қарашли хонадон бошлиғи бевақт оламдан ўтганди. Аслида оила аҳли дилини ҳуфтон қилувчи бу кўргүлик бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо газ, электр энергияси ва бошқа шунга ўхшаш ҳавф келтирадиган воситаларга тўғри ёндашмаслик оқибатида афсуски, шундай ҳоллар юз беради. Юқоридаги муҳим воқеа ҳудуддағилар ва туман аҳлини анчагина ҳушёр торттирди.

Туман ёнғин хавфсизлиги бўлими мутасаддилари бу борада жорий йил бошиданқо алоҳида дастур ишлаб чиқишди. Унинг бандларида мавжуд хонадонлар ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ёнғинга қарши чора-тадбирларни кўчатириш билан бирга, тарғибот ишларида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш кенг ўрин олган.

Шу асосда қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. 10 мингдан ортқ хонадонда профилактика ишлари олиб борилади. Агар ўтган йилнинг шу даври билан таққослаб кўриلسа, ёнғин туфайли келиб чиқадиган кўнгилсиз ҳодисалар 47 фоизга камайди. С.Раҳимов номли фермерлар уюшмаси, Кўтарма қишлоқ фуқаролар йиғини, Олмасор каби аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда аҳоли янада яшилди. Эндиликда Янги Чиноз, Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ҳам соҳа мутахассисларини қўлаб-қувватлаб, муҳим ишга масъулият билан ёндашишмоқда.

Туман ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари ҳудуддаги 4 та коллеж ва 42 та ўқув муассасаларида олиб борган тарғибот ҳамда мавзуга дахлдор машғулотлари айниқса кўзланган натижани беришти. Масалан, ўтган даврда қайд қилинган ҳолатларнинг бирортаси мактаб ўқувчилари билан боғлиқ ҳолда келиб чиқмаган.

Айни кунларда юртимизда аҳоли турар-жойлари, корхона, ташкилотларни қиш мавсумига тайёрлаш ишлари қизгин паллага кирган. Бу муҳим тадбирда мутасадди корхоналар қатори ёнғин хавфсизлиги бўлимидағилар ҳам масъулиятни янада ҳис этган ҳолда ёндашишмоқда. Таркибдаги 40 нафар ишловчилар барчаси туман ҳудудларига бўлиниб, хонадонларда, корхона, муассаса ва ташкилотлардаги тайёргарликни обдон кўздан кечиришяпти. Уй ағалари, ишлаб чиқариш корхоналари мутасаддиларига зарур маслаҳатлар беришяпти.

Бироқ "Бу йил қиш қандай келаркин?" дея мавсумни лоқайдлик билан кўтиб турган айрим қишлоқлар ҳам йўқ эмас. Мана шундай бепарво ва масъулиятсиз қилишларнинг боқибегамлиги оқибатида кейинги ойларда газ ва электр ускуналаридан но-тўғри фойдаланганлик ҳолатлари қайд қилинди. Ачинарлиси, жаримага тортилганларнинг 55 нафари қайқидир муассаса ёхуд ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлари, мансабдор шахсларидир.

Бир сўз билан айтганда, хонадон ва иш жойларида ёнғин келиб чиқмаслиги учун амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилиниши зарур. **Зокиржон ЭРТАШЕВ, Чиноз тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори, капитан. Абдусами ХАҚБЕРДИЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.**

Универсальный центр по адресу: г.Ташкент, Чкаловский р-н, микрорайон, кв.11 д. 24 кв.2, выданный БТИ Улчхозостро р-н г.Ташкент на имя Мадридской Мукай Серверова, оспитал наделительством. Ташкент ш. Улчхоз т. хромилки томонидан 2007 йил 4 октябрда Исломов Ислом Ибрагимович номидан берилган № 0104705 рақамли икка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қўрсатма (таълим) йўриқларини соҳибга бериш ҳўжжати. Ташкент ш. Миробод т. хромилки хўрдиш Ташкентнинг субъектларнинг рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги 6 февраль 2008 йилдаги рақамли 003030-03-рқамли регистр таълим рақамли билан рўйхатга олинган "HILOLA-BONJI UNIVERSAL" хўруси корхонасининг ҳудудий мақоми масъулияти чекланган жамиятига таълим берилганлиги маълум қилди. Дилшод ун. н.п. 438-19-70.



ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Фаргона туманидаги "Чимён парранда" масъулият чекланган жамиятида мамлакатимиз инвесторлари томонидан модернизация ишлари амалга оширилди. Корхонага "Тавсан" (Туркия) компаниясининг замонавий технологиялари ўрнатилди. Корхонанинг 10 та бройлер цехи корпуслари тўлиқ модернизациядан чиқарилди. Бугунги кунда бу ерда 120 минг бош бройлер товуклари сановат усулида боқилмоқда. Айни кунда корхонада кунига 3 тонна парҳез гўшти етиштирилмоқда. Маҳсулотга талаб кун сайин ортиб бораётти. **СУРАТДА: паррандабоқар Насибхон Метинова. Мухимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.**

“СИЗЛАРГА ИШ ТОПИБ БЕРАМАН”

бу гапга ишонганлар алданишди



Суд жараёнида ўйга толаман. Бундай воқеалар кам учраса-да, кишини изтиробга солади. Суднинг қора курсисидан "Она" — бир неча набиранинг бувиси ўтирибди.

Зулфия Саидова 54 ёшда, бир неча фарзанднинг онаси, шириндан-шакар набиранларнинг бувиси. Нафақага чиққан бу аёл ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб, панду насихат қилиб, тинчгина яшаш ўрнига шайтон вавсасасига учди. Уелини ҳам шу гирдобга тортиди. Алалиқабат 31 ёшга кирган Дилшод Юсупов саволларга панжара ортидан жавоб бермоқда. Она-боланинг бошлари эгилган, ҳамқишлоқларига, суд залидағиларга тик боқиболмайди. Улар экин-якинча бировларга зиён-заҳмат етказиш, яъни одам савдоси эвазига орттириладиган мўмай даромаднинг ўйлаб, унинг таъсирида ҳеч кимни назарга тиймай юришарди. Бугун эса... Аниқ далилларга жавоб тополмай тиллари ту-

лар. Оғзаки шартнома тузилиб, баъзи йигитларга ойига 500 АҚШ долларидан маош ҳам ваъда қилинади. Россия Федерациясида ишлаб "тажриба орттирган" Дилшод Юсупов 2008 йилнинг 18 июль куни 1994 йилдан буён Атров шаҳридаги "Кўктем" қийим-кечак бозорига савдо-сотик билан шуғулланаётган онаси Зулфия Саидованинг олдида келади ва она-бола пухта режа тузишади. Шундан кейин режага мувофиқ З.Саидова Хоразмга бориб, ўғлининг таниши Йўлдош Ҳайитовни ишга олиб келади. Уни ишонтириш ва шу йўл билан бошқаларни ҳам Атров шаҳрига келишга кўндириш, одам савдосини кенгайтириш мақсадига бир ой ишлагани учун Йўлдошнинг уйига 100 АҚШ доллари жўнатишади. Й.Ҳайитовнинг ортида нима борлигидан бехабар ҳолда ўғли Мурод Никовга телефон қилиб, уни ҳам ёнғича қачиради. Мурод Йўлдош Нурматов билан тезда Атров шаҳрига етиб келади. Орадан ҳеч қачан вақт ўтмай, Муроднинг онаси Елена Никова ўғлига кўнғироқ қилиб, кўёви Бобожонга ҳам иш топилса боришини айтади.

Она-боланинг бошлари эгилган, ҳам-қишлоқларига, суд залидағиларга тик боқиболмайди. Улар экин-якинча бировларга зиён-заҳмат етказиш, яъни одам савдоси эвазига орттириладиган мўмай даромаднинг ўйлаб, унинг таъсирида ҳеч кимни назарга тиймай юришарди. Бугун эса...

иш анча юришаётганидан хўрсанд бўлган Зулфия Саидова Шовот туманига келиб, Никованинг кўёви Бобожонга "Қайнотанг сени ишга чакирди. Яна 10 нафар одам топ", дейди. Қариндошлари бир-ички ойдан буён ишлаётгани боис Зулфиянинг гапига ишонган Бобо-

етиб келишади. Дилшод уларнинг паспортларини йиғиб, Қувон исмли қозоқ йигитга беради ва қурилиш ишларига жалб қилади. Белгиланган иш бажарилиб, ҳақларини сўрашганда эса Қувон Дилшод аллақачон ҳисоб-китоб қилиб, уларнинг пулини олиб кетганини айтади.

Орадан бир ой ўтгач, Дилшод "Сизларга янги иш топиб бераман", деб Бобожон ва Жонибек Отажоновни, Йўлдош Ҳайитов ва Мурод Никовларни Атров шаҳрининг Сарикамиш деган жойига олиб боради.

Хуллас, ишлаб пулини ололмаган йигитлар 2008 йилнинг 10 декабрида қуруқ қўл билан уйларига қайтишга мажбур бўлишади.

Шу тариха она-бола одамфуруш — Зулфия Саидова ва Дилшод Юсупов етти нафар фуқарони Атров шаҳрида қурилиш ва бошқа турли ишларда ишлатиб, уларга ваъда қилган 14.669.760 сўм (10.400 АҚШ доллари) миқдоридаги иш ҳақларини беришмаган.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаганидек, одам савдоси билан шуғулланишни ўз касбларига айлантirmoқчи бўлган Зулфия Саидова ва унинг ўғли Дилшод Юсупов одил суд олдида жавоб бериб, қилимларига яраша жазо олишиди.

Раъно КАМОЛОВА, Жиноят ишлари бўйича Хива тумани суди раиси. Хоразм вилояти

Осмоқўпар Бахмал тоғлари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой. Бу ҳудудда кўнғир ва қулранг айиқлар кўп учрайди. Улар одам қадами етмас қоялардаги баҳайбат харсанг тошлар оралгини макон қилишган. Қишда илиқ бўлиши учун айиқ даракт пўстлогини ининга ташийди. Овқат танлаб ўтирмайди. Ғўшт тонқис бўлганда ўсимлик илдизлари ва ҳўл мевалар ҳам унга қувват бўла олади. Сазғир мавжудот теварак-атрофдагиларни кўриши шарт эмас, у кичик ҳаракатларни ҳам пайқай олади. Овчидан кўра тез ҳаракатланади. Уни қувлашдан ҳеч қандай маъно йўқ.



Айиққалисой

қўздан ғойиб бўлди...

...Қаҳратон киш қилчичини қайраб келганда ҳаво ҳарорати бирдан тушиб кетди. Бу ҳайвонлар учун ҳам осон бўлмади, синов даври бошланди. Тоғлардаги ҳаёт қутилмаган воқеа-ҳодисаларга бой. Уша кўни Саврук кишлоғилик Мурод амаки овдан қайтарган, йил четигадаги арча даракти тағдидан номаълум маҳлукнинг ўқирганини эшитиб қолди. Беш-олти одим нарида кўнғир айиқча турарди. Кутилмаганда маҳлук ўгирилиб, овчи яқинида пайдо бўлди. Унинг кичик кўзлари қатталашиб, қип-қизил тили ва йирик тишлари кўзга ташланди. Айиқ пишиқиб, чуқур-чуқур нафас олар ва шох-шаббаларни синдирадди. Маҳлукдан ҳимояланиш учун эҳтиёткорлик ва омиликорлик билан иш тутмоқ лозим. Овчи талвасага тушмади, кўрқанини билдириб қўймакликка ҳаракат қилди. Айиқ ҳамла қилган тақдирдагина уни нишонга олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади. Юшқок товушда: — Тинчлан, полвон, — деди. Гап оҳангги маҳлукқа маъқул бўлди чоғи қатта-қатта қадамлар ташлаб

Киш охирлаб, тоғ ён бағирлари ям-яшил майсалар билан қолланди. Табиат жонлиби, кўнлар узайди. Эрта тонгдан кўёш ер юзини қиздириб, қор уюмлари чекина бошлади. Ер тағидан сизиб чиқаётган маржон булоқлар кўзни қувонтирадди. Теварак-атрофда бойчечак, чўчмома ва бинафшалар кўйғос очилиб, ажиб манзара касб этган. Овчи яна айиққа дуч келди. Маҳлук энди тишларини ғижирлатмас, хотиржам кўринарди. Унинг жунари ялттираб, кўркамлашиб қолганди. Мурод амаки кўнғир айиқ билан тўртинчи мартаба учрашганда қишдан омон чиққан жонивор озби, бироз кичрайиб қолганди. — Ҳа, полвон, — деди овчи худди эски қадрдонлардек. — Омон-мисан? Овчининг хиди, товуши таниш бўлганлигидан айиқча икки-уч одим нарида чўнкайиб ўтириб олди ва хар хил имо-ишоралар қила бошлади. Аста-секин кўнлар ўтиб, улар хатти-харакатлари орқали бир-бирларини яхши тушунадиган бўлишди. Овчи ёзда "дўсти"ни тоғлар билан

туташ ховли-боғига бошлаб борди. Бу ерда у шолғом, турп, лавлагги каби экинлар ҳам етиштирар, "мехмон" учун егулик сероб эди. Бир кўни Мурод амаки тонг сажарда турғай чўлдирасидан садоқатли ити Тўрткўз билан Етимтоғ чўкқисига кўтарилди. Кўпинча унинг ит ҳамроҳлигидаги ови муваффақиятлироқ бўларди. Зийрак ва ақлли жонивор кўринишдан беўхшов бўлса-да, ўқир-чўнқир ва айланма жойлардан ҳам осонлик билан ўтиб, ўлжани аниқлай олар ва бир неча дақиқа "тўтиб" турарди. Кўёш бўй кўрсатган, Мурод амаки дўбинида тўда бўлиб юрган она-бола айиқларни кузата бошлади. Улар ўткир хид билиш ҳусусиятига эга бўлиб, қаердан емиш қидиришни яхши билар ва насибаларини топишарди. Она айиқ олма шохларини елкаси билан силқитиб, меваларини тўқди. Айиқчалар эса онасига тақлид қилиб, унинг хар бир ҳаракатини ўрганишарди. Қўзда кўнғир айиқ овчининг ховлиси яқинига кўнда, кўнора келиб турар, баъзан Мурод амаки уни ғўшт қолдиклари билан ҳам сийлаб

турарди. Бора-бора жонивор бу ерга тамоман ўрганиб қолди. Дам олиш кўнларининг бирида Мурод амаки айиқни одамлар гавжум бўлган ўйингоҳга олиб борди. Жониворнинг ўйинқароқ ва хушфўлиги унинг хатти-харакатларидан аён эди. Яшил майдонда у амакини кучиб, қурашга тушар, бўйинтуригини бошидан чиқарар, ўмбалоқ ошиб, хар хил ўйинлар кўрсатарди. Томоша сўнггида одамлар уни қуруқ қўйишмасди, албатта. Йиллар ўтди. Мурод ота кекса-йиб, юришига қийналиб қолди. Қизлари турмушга чиқиб, ували-жували бўлиб кетишди. У дераза ёнида ётганча хаёл суриб, хавотирга туша бошлади. "Энди айиқнинг ҳоли не кечади?" Оқсомлари унинг уйқуси қочиб, безовта бўла бошлади. Охири у яқинларининг маслаҳатига қўлақ солиб, кўнғир айиқни тоққа чиқариб юборишга қарор қилди. — Омон бўл, полвон, — деди у хайрлашаётиб. Мурод ота уни қузатаркан ортидан узоқ тикилиб қолди. Кейин кўндан-кўн мадори кетиб, буткул ётиб қолди. Ана шундай қайғули кўнларнинг бирида боғ яқинидаги сой томондан ўқирган овоз эшитилди. Бу қадрдонни кўнғир айиқнинг наъраси эди. Шунда жигари хун бўлган Мурод бува жойидан кўзғалиб, кўзини очди. — Эй полвон, сенмисан? — дейди-да, бир неча дақиқа ўтган, бандиликни бажо келтиради. Дафн маросимидан кейин ҳамма тарқалган, айиқ янги қабр олдига келиб, уни туни билан кўриқлаб чиқади. Утган кўнларни эслаб, ғингшийди. Тонг ёришганда қабростондан чиқиб, тоққа кетади. ...Орадан кўп йиллар ўтган, Мурод овчининг тоғ билан туташ ховли-боғи яқинидаги сойликдан икки-уч марта ўқирган овоз эшитилди. Бу кўпчиликка таниш кўнғир айиқнинг сўнгги наъраси эди. Шу шу бу жой Айиққалисой деган ном олади.



СПОРТ

ЖЧ-2010 саралаш босқичи натижалари "Немис машинаси" гуруҳда етакчи



Ўтган ҳафта дунё яшил майдонларида 2010 йилда ЖАРДА бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш босқичининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Турнинг марказий ўйини Москвадаги "Лужники" стадионида "D" гуруҳининг етакчилари Германия ва Россия терма жамоалари ўртасида кечди. Ушбу баҳс жаҳон чемпионатида тўғри йўлланмани берувчи гуруҳнинг етакчи жамоаси номини аниқлаб берди. Ўйин тақдирини 35-дақиқада немисча услубдаги комбинациядан сўнг Мирослав Клозе томонидан киритилган ягона гол ҳал қилди. Россия терма жамоаси аъзоларида ҳисобни ўзгартириш учун бир неча имконият бўлди. Руслар тўпни кўпроқ назорат қилди. Ўйинда бироз устуликка ҳам эга бўлишди. Аммо ўйинга умумий баҳо берадиган бўлсак, немислар майдоннинг ўзларига қарашли яримда чизикли футбол тактикаси асосида даҳия кўрғонини ташкил қилиб, рақибнинг ҳаракатларини назорат қилиб турарди. Улар ташкил қилган қарши ҳужумлар ҳам ҳавфли кўриниш олди. Кўпчилик ушбу ўйинда Россия терма жамоаси етакчиси Андрей Аршавиннинг ҳужум чизигида фаол ўйин кўрсатишини кутганди. Аммо, афтидан, ўзининг рақиб томонидан қаттиқ таъбиқ қилинишини



англаган Андрей рақиб жари-ма майдонига кириб боришга жазм этмади. Тўғрироғи, йўл қўйишмади. У асосан плеймейкерлик вазифасини бажарди. Ҳужумда "Зенит" клуби аъзоси Владимир Бистров немисларга Аршавиндан кўра кўпроқ ташвиш келтирди. Тезкор бу ўйинчи бир неча бор немислар ҳимоя кўрғонини ёриб ўтишга муваффақ бўлди. Айнан унинг сазай-харакатлари натижаси ўлароқ 68-дақиқада Германия терма жамоаси ҳимоячиси Боатенга иккинчи сариқ карточка кўрсатилиб, майдондан четлатилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Австрия - Литва	2:1
Сербия - Руминия	5:0
Франция - Фарер ороллари	5:0
Черногория - Грузия	2:1
Кипр - Болгария	4:1
Ирландия - Италия	2:2
Жанубий Америка	
Аргентина - Перу	2:1
Венесуэла - Парагвай	1:2
Колумбия - Чили	2:4
Эквадор - Уругвай	1:2
Конкакаф	
Мексика - Сальвадор	4:1
Гондурас - АКШ	2:3
Коста-Рика - Тринидад ва Тобаго	4:0
Дания - Швеция	1:0
Португалия - Венгрия	3:0
Люксембург - Швейцария	0:3
Греция - Латвия	5:2
Исроил - Молдавия	3:1
Чехия - Польша	2:0
Словакия - Словения	0:2
Финляндия - Уэльс	2:1
Лихтенштейн - Озарбойжон	0:2
Эстония - Босния ва Герцеговина	0:2
Армения - Испания	1:2
Бельгия - Туркия	2:0
Белорусь - Қозғоғистон	4:0
Украина - Англия	1:0

Денис Истомин турнир голиби



Бельгиянинг Монсе шаҳрида бўлиб ўтган "Челленжер" сериисидagi теннис турнирида ҳамюртимиз Денис Истомин муваффақият қозонди.

Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси жуфтлик баҳсларида россиялик Евгений Королев билан биргаликда финалгача етиб борди. Финалда Истомин-Королев жуфтлиги Россия-Колумбия дуэти — Теймураз Габашвили ва Александр Фаллага қарши ўйнаб, 6:7 (4), 7:6 (4), 11-9 ҳисобида ғалаба қозонди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Абдулла САИДОВ

Жаҳзаз виллояти

Тошкент ш. Чилонзор т. Б115а номердан берилган Муслимова Умида Фахруллоевнага тегишли бўлган Тошкент ш. Чилонзор т. Чилонзор 7, 12-й 13-хонадоннинг ўй-плани ҳужжати йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат Шарҳиётлик институти томонидан 1999 йили Марғула Нуробек Рамагуловага қилинган берилган В № 011835 рақамли баъвалар дипломи йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоқур т. ҳимоячи томонидан рўйхатга олинган "AZZALIM BUSINESS" жўсий корхонаси "AZZA LIMO BIZNES" аъзолари билан қўшма ҳисобни ўзгартириш асосида бекор қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. рўйхатдан ўтган "INFINTUM MEDIA" (ОКПО бўйича код 22009616, ИНН 300463856) МЧК тузилмада. Даволат эълон чоп этишган ордан бошлаб икки ой мобайнида қарул қилинади. Тел.: 251-06-39, 356-50-26.

ЧП "BELY VETEK" (код по ОКПО 22884608, ИНН 301296952), заҳаристан-равонием отдалом государственной регистрации субъектов предпринимательства ҳоқимията Чиланзорского р-на г.Ташкент, расқолоное по адресу: г.Ташкент ул. Тўпа 28-12, ликвидирован. Решение утверждено № 2 от 12.10.2009 г. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 245-88-02.

Утвержденная справка № 3327 от 18.08.2009 г. выданный БТИ Челябинского р-на г.Ташкент для оформления договора купли-продажи квартиры по адресу: г.Ташкент Ултегиской р-н Агарим-30 квл д.34 кв.20, с/чел. недействительна.

Сотиб олиб, узумзор соҳиби бўлинг!

Тошкент виллояти Кибрай туманидаги умумий майдони 15 гектар бўлган, элита навли узум етиштирилладиган тоқзор сотилади. Тел.: 8 (371)-293-01-85.

Вниманию организаций и предприятий МЕДИЦИНСКОЕ ОБЪЕДИНЕНИЕ НАВБАХОРСКОГО РАЙОНА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объект "Капитальный ремонт Навбахорской районной больницы". Стартовая стоимость заказчика без НДС 564 165 000 сум, с НДС 676 998 000 сум. Срок завершения строительства 75 дней. Заказчик Медицинское объединение Навбахорского района. Расположенный в Навбахорском районе. Финансирование осуществляется за счет средств местного бюджета. Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсного торгов или поручительство банка на предоставление дательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигающегося на сумму указанного налога. Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов Территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценнообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навоий, ул.С.Айни-32. Тел.: 225-53-85, 225-52-38. Стоимость одного комплекта документов 70 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.С.Айни-32. Тел.: 225-53-85. Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт. Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

AGROBANK

"Агробанк" — 2003, 2004, 2007 ва 2008 йилларда Ўзбекистон "Йил банки" танлови совриндори

"Агробанк" — таниқли Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг "Барқарор" топфасидаги тўлиқ халқаро рейтингини олишга муваффақ бўлган банк

«Агробанк»

Очиқ акциядорлик тижорат банки таклиф этади

- миллий ва хорижий валюталардаги ишончли ва юқори фойзи даромадли омонатлар;
- жисмоний шахслар учун истеъмолад кредитлари;
- юридик шахслар учун имтиёзли кредитлар;

— инвестицион лойиҳаларни такомиллаштириш учун (янги замонавий технология ва жиҳозларни жорий этиш учун);

— деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва кенгайтириш, жумладан, қишлоқ хўжалиқ техникалари, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ёрдамчи ашёлар харид қилиш учун;

— экспортга қаратилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, асосан қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга қаратилган технологиялар хариди учун.

Шунингдек, қулай пластик картларини таклиф этади: — барча учун сўм пластик картлари ҳамда ёш ошлар ва талабалар учун имтиёзли сўм пластик картлари; — VISA Card тизимининг хорижий валютадаги пластик картлари;

— VISA Electron — VISA Classic — VISA Gold.

VISA Electron - дунё амалиётда қўлай бўлган тўлов карта бўлиб, ила бор тўлов картасини қўлайитган истаъмоладлар ҳамда чегаланган даромадли меҳнат, талабалар, ёшлар учун таклиф этилади.

VISA Classic - универсал тўлов карта ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали маҳсулотларни харид қилиш бўйича фойдаланиш учун қўлай.

VISA Gold - энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда Сизга дунё бўйлаб сайёҳат чекдонинида лозим бўлган ҳолларда тиббий ёрдам ва юридик хизматлари кўрсатилади.

Агробанк — бу пойтахтдан бошлаб давлатимизнинг чекка ҳудудларигача ўзининг филиаллари ва мини банкларига эга бўлган йирик ва универсал банкдир.

77 000 акциядор ва 1 300 000 дан ортиқ миқозларига хизмат кўрсатувчи ишончли банк

(260 та юридик шахслар ҳамда омонатчи ва пластик карт эгалари)

Бизнесингиз ривожини сари барқарор ҳамкорни танланг!

АГРОБАНК — ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

<p>Бош муҳаррир</p> <p>Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР КЕНГАШИ</p> <p>Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БҮРИБЕК, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВЕВ, Зинбулдин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРҲУЖАЕВ.</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Айтилай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тулганбой КАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, Утқир РАХМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиё ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суенат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Руслан КОСИМОВ, Омонилла ЮНСОВ, Шероод ҒУЛОМОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР:</p> <p>Клубхона — 236-58-83, Хатлар ва ҳамватчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибхона — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.</p> <p>ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</p> <p>Бўхоро — 542-05-18; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-89; Фарғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-0-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.</p>	<p>Реклама ва эълонлар</p> <p>233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04.</p> <p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавабгар</p>	<p>МАНЗИЛИНИЗ:</p> <p>100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p> <p>Навбатчи:</p> <p>М.ЮСУПОВ</p> <p>Масъул:</p> <p>С.КОДИРОВ</p> <p>Дизайнер:</p> <p>М.ШУКУРОВ</p>			
<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p>		<p>Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.</p>	<p>Буюртма Г-917, ҳажми 2 босма табоқ.</p>	<p>Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.</p>	<p>Босишга топшириш вақти: 21.00</p> <p>Босишга топширилди: 21.55</p> <p>8897 нускада босилди. Нашр индекси — 144</p>	<p>392-50-42.</p> <p>Ғазета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сақланган.</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.</p> <p>Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>1 2 3 4</p>